

МОВРОУННАХРДА ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРИХИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

М. Давранова

Париж ислом институти профессори Жак Рислер ўзининг “Араб тамаддуни” китобида: “Ҳеч қандай шубҳасиз, мусулмонларнинг Европага тухфа қилган энг катта яхшилиги бу – қоғоз бўлган” деб таъриф беради. Даниялик тарихчи Ёхансен Педерсен эса мусулмонларнинг қоғоз саноатини кенг йўлга қўйишларини “нафақат исломий китоблар, балки бутун дунё китоблари тарихида бурилиш ясаган”, деб эътироф қилган.

Ислом ҳазораси Европага кўплаб тухфалар тақдим қилди. Бу армуғонлардан энг қимматлиси эса қоғоз эди. Ислом оламида дастлабки сифатли қоғозлар Самарқандда ишлаб чиқарилган, илк қоғоз фабрикаси эса 794 йилда Бағдодда Хорун ар-Рашиднинг вазири Яҳё ибн Холид Бармақий тарафидан қурилган

Қоғоз ишлаб чиқариш Бағдоддан Шимолий Африка орқали Андалусга қадар етиб борди. Барча инсонлар қоғоздан кенг фойдалана бошладилар ва бу мусулмонлар кўлида кўпроқ китоблар жамланишига ёрдам берди. Қоғоздан фойдаланиш Маккада 797 йилда, Мисрда 800 йилда, Андалусда 950 йилда, Константинополда 1100 йилда, Сицилияда 1102 йилда, Италияда 1154 йилда, Германияда 1128 йилда, Англияда эса 1309 йилда бошланди.

Мусулмонлар қоғозни Сицилия ва Испанияга олиб бордилар, бу ерлардан эса бутун Европага тарқалди. ҚОҒОЗ — асосан, ўсимлик толаларидан тайёрланадиган юпқа материал. Турли хил жинсдаги дарахт ёғочи ва бир йиллик ўсимлик целлюлозаси ҳамда ёғоч массасидан ишланади. Қоғоз массасига ўсимлик толаларидан ташқари турли қўшимчалар, мас, оқ тус берадиган, зич, силлиқ қиладиган, бўёқ олиш хусусиятини яхшилайдиган минерал моддалар (каолин, тальк ва б.); сиёҳни ёйилтирмайдиган ёки қоғозни пухта ва зич қиладиган елимловчи материаллар (кани-фол елими, крахмал, смола ва ҳ. к.); бўягичлар, кимёвий. Мовароуннахрнинг кўплаб шаҳарларида қоғоз расталари, ҳатто алоҳида қоғоз

бозорларида тошбосма ва босма нашрлар кўлёзма китоблар қийматини тушириб юборган. Илгари машҳур бўлган, “ипак”, “канаби”, “хон балиғи” каби юқори навли қоғозлар ўрнига юпка, сифатсиз қоғозларга кўлёмалар кўчирилганлигини ҳам учратиш мумкин. Нафақат китобатчилик соҳаси, балки умумбашарий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишида қоғознинг кашф этилиши жуда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бири муайян давр учун ўзига хос аҳамиятга эга бўлган ушбу ёзув воситалари баъзи бир камчилик ва нуқсонлар Самарқанд қоғозининг яратилиши хусусида тарихий манбаларда турлича фикрларни учратиш мумкин. Манбаларда ёзилишича, VII асрда ҳали Европада папирус ва пергамент асосий ёзув ашёси сифатида фойдаланилаётган бир вақтда Шарқ мамлакатларида аллақачон қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бу эса Араб халифалигига қарашли барча юртларда, айниқса, ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудларида кўлёзма китобларнинг ёйилишига кенг имконият яратди. Дамашқда энг сифатли қоғоз ишлаб чиқарилганлиги, бизгача етиб келган ва илк араб қоғоз китобининг Дамашқ (ўрама) китоби деб номланганлиги тарихий манбаларда далиллар билан асосланган. Баъзи олимларнинг фикрича, Ўрта Осиё ҳудудида, хусусан, Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш Араб халифалигига қадар ҳам мавжуд бўлган. 1931 йили Муғтепа тоғидан топилган Самарқанд ҳукмдорларига оид ҳужжатлар ҳамда Тупроқ-қалъада қўлга киритилган Хоразм архив материаллари Сўғдиёна, Хоразм ва Бактриядаги қоғозга ёзилган маҳаллий кўлёмаларнинг араблар босқинидан аввалги даврларга оидлигини асослайди. Баъзи тарихчиларнинг фикрича, самарқандликлар қоғоз ишлаб чиқариш сирларини 751 йили Таласда бўлиб ўтган жангда Зиёд ибн Солиҳ томонидан асирга олинган хитойлик қоғоз усталаридан ўрганишган. Нима бўлганда ҳам, X асрнинг охириларига келиб Самарқанд қоғози Ислон мамлакатларида папирус ҳамда пергамент ўрнини тамоман эгаллади. Қоғознинг 600 дан ортиқ тури бор. Қ., асосан, ёзиш, дафтар ва китоблар чиқариш учун ишлатилади. Кўпчилик ҳолларда Қоғоз ва картон тўқимачилик, ёғоч ишлаш ва шиша саноати маҳсулотлари билан рақобатлашмоқда. Улар турли металл буюмлари ўрнини эгалламоқда, конструкцион, изоляция-ловчи, қистирма, филтрловчи, пар-дозловчи ва ҳ. к. материаллар сифатида ишлатилмоқда. Бугунги замонавий технологиялар тараққий

этган даврда қоғоз ишлаб чиқариш бир қарашда енгил кўринади. Лекин жавонимиздаги китоблар, газета, журналлар биз ўйлагандан анча мураккаб жараёни босиб ўтган. Қоғоз пайдо бўлишидан олдин одамлар ёзув-чизув ишларида тош, сопол буюмларга, ишлов берилган териға, папирусға ёзганлар. Маълумки, қоғоз анча асрлар илгари милодий 105 йилда хитойликлар томонидан кашф қилинган. Лекин шундай бўлса-да, қоғоз саноати оммалашмади, унинг тайёрланиши сирлилигича қолаверди. Қоғоз Европа мамлакатларига етиб боргунга қадар, одамлар териға, палма дарахтининг новдаларига ҳамда силлиқ текис тошларга ёзганлар. Фақат 751 йилга келиб, Талас водийсида бўлган жангда мусулмонлар асир тушган хитойликлардан қоғознинг қандай тайёрланишини билиб олганларидан сўнг қоғоз оммабоп маҳсулотга айланган. Айнан шу воқеа қоғознинг бутун дунёга тарқалишида дебоча бўлган.

Қоғоз саноати 794 йили аббосийлар халифалигининг вазири Фазл ибн Яхёнинг биринчи қоғоз фабрикасини очишидан бошланган. Олдинлари хитойликлар тут меваларини бирламчи хомашё сифатида ишлатган бўлсалар, мусулмонлар қоғознинг тайёрланиш технологиясини енгиллаштириб, уни зиғир ва пахтадан тайёрлашни йўлга қўйганлар. Бу эса тайёр маҳсулотнинг арзонлашуви ҳамда қоғознинг кенг тарқалишида асосий рол ўйнаган. Канопнинг оммабоплиги ва пишиқлиги туфайли мусулмонлар сифатли қоғоз тайёрлай бошлашди. Бу эса Бағдодда қоғоз саноатининг гуркирашига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда ҳам каноп қоғоз тайёрлашда ишлатилади. Хитойда қоғознинг хомашёси тут мевалари бўлган бўлса, мусулмонлар зиғир ва пахта толасидан биринчи бўлиб хомашё сифатида қўллаганлар. Пахтадан қоғоз тайёрлашда дастлаб мато бўлакларга бўлиниб, сув билан намлантирилиб, яхшилаб аралаштирилган. Хомашёдаги кир ва турли ранглардан халос бўлиш учун бир муддат ишқор солиб қайнатилган. Тайёр массани хамир ҳолига келтириб, уни куволда билан уриб ишлов берганлар.

Қоғоз фабрикасининг ташкил қилиниши ислом тараққиёти билан бирга дунё тамаддунида ҳам асосий ўринни эгаллаган. Бағдоднинг “Ипак қурти уйи”

маҳалласи қоғоз ишлаб чиқаришнинг маркази сифатида бутун оламга танилган. Қоғознинг оммалашуви китоблар нархининг кескин тушиши, ўз навбатида, илмнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган.

Китоблар оммабоп ҳолга келишидан янги касб-ҳунар ва хизмат кўрсатиш турлари ҳам кенгайган. Масалан, мустансихлар китобдан нусха кўчирган бўлса, варроқ ва саҳҳофлар китоб тайёрлашда зарур бўладиган буюмлар билан савдо қилган ва муқовалаш билан шуғулланган. Ислом тарихчиси Аҳмад ибн Воҳид ал-Яъқубий IX асрда Бағдоднинг Ваддох маҳалласида юзлаб китоб расталари бўлгани ҳақида ёзиб қолдирган. Бағдодда қоғоз фабрикаси йўлга қўйилгач, бошқа шаҳарларда ҳам шундай фабрикалар очила бошланган. Тарихчи Уилям Дюрант ўзининг “Маданият тарихи” асарида хабар беради: “Мусулмонлар қоғоз ишлаб чиқариш технологияларини Сицилия ва Испанияга ҳам олиб келганлар. У ердан Франция ва Италияга ҳам етиб борган.

Мисрда IX асрдан қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қуръони каримнинг биринчи қоғоз нусхаси эса X асрга бориб тақалади. Қоғоз саноати Шимолий Африка ва Марокаш орқали 950 йили Испанияга етиб боради. Испаниянинг Валенсиядан унча узоқ бўлмаган Шатива шаҳри ўзининг “шотибий” номини олган қалин ва ёрқин қоғозлари билан дунёга машҳур бўлган. 200 йил давомида қоғоз барча ислом ўлкаларига тарқалган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. “Мозийдан садо” – илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал.
2. “Фарғона водийсида музей иши ва фаолияти” китоб Ўзбекистон Республикаси. Маданий мерос агентлиги.
3. “Мозий собоқлари” – журнал
4. “Санъат” журнали.
5. “Гулистон” – ижтимоий-сиёсий, илмий-бадний, маданий-маърифий журнал.